Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 141 (7. 230) ◉ 1990 йил 25 июнь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

СОВЕТ—СУРИЯ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтида Совет-Сурия дўстлиги кунлари бошланди. Тошкентликлар «Сурия — СССР» жамиятининг вице-президенти, Сурия Араб Жумҳурияти парламентининг депутати, Сурия Араб Жумҳурияти талабалари миллий уюшмасининг раиси Ҳайсам Дуэйхий бошчилигидаги делегацияни хушнудлик билан кутиб олдилар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, шаҳардаги бир қанча музейларда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар.

22 июнь куни делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов қабул қилди.

Ўзбекистон Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятида учрашув бўлиб ўтди. Бу ерга Сурияда ишлаган фан ва маданият арбоблари, халқ хўжалиги тармоқларининг мутахассислари, шунингдек Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган суриялик талабалар таклиф қилинди.

Совет — Сурия дўстлиги кунларининг расмий очилиш маросими «Зенит» заводининг клубида бўлиб ўтди. Дамашқдан келган «Умайя» фольклор ансамблининг томошалари бадиий программанинг безаги бўлди. Бадиий қисмда «Баҳор» ансамбли ҳам қатнашди.

Совет—Сурия дўстлиги кунлари программасида шарқшунослик институтига бориш, арабшунос олимлар билан учрашувлар ўтказиш, Шарқ қўлёзмалари фондини кўздан кечириш, Ўзбекистон ССР Тарихий нодир буюмлари ва заргарлик санъати музейи экспонатлари билан танишиш кўзда тутилган. Меҳмонлар Наманган ва Самарқанд шаҳарларига ҳам борадилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ВА ҚЎШНИЧИЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига МУРОЖААТНОМАСИ

Олмаота шаҳри, 1990 йил, 23 июнь.

Азиз ватандошлар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Мамлакат ва жумҳуриятларимиз ҳар бирининг тақдири учун оғир бўлган бир пайтда биз барча халқларнинг орзу-умидларига ҳамиша мос келган, инсон турмушида етакчи маънавий мезон бўлган дўстлик, яхши қўшничилик, иноқлик сўзлари билан сизларга мурожаат қилишни ўз бурчимиз, деб билдик. Бу тушунчалар алоҳида изоҳни талаб қилмаса керак. Кўпмиллатли жумҳуриятларимизда бу сўзлар қадим-қадимдан анъаналар ва урф-одатларимизнинг ҳаётий барқарор моҳиятини ташкил этади, бизларнинг мураккаб тарихий тажрибамиз улардан нурафшондир, мислсиз социалистик қадриятларимиз ва эзгу орзуларимиз уларга асосланган. Дўстона муносабат, қалб саҳовати ва меҳмондўстлик, вазминлик ва донишмандлик бизда ҳамиша ҳамма нарсадан улуғлаб келинган. Узаро ёрдам, қардошлик ва бирдамлик туйғусини ҳис этган ҳолда биз муқаррар муваффақиятларга эришдик, маҳрумликларга бардош бердик ва қийинчиликларни енгиб ўтдик. Бугунги кунда ҳам умумий хонадонимиз тўғрисида ҳаммамиз биргаликда ғамхўрлик қилиш билангина жамиятни янгилашда олга томон силжишга эриша оламиз.

Мана шу йўлдаги ҳар бир қадам қийинчилик билан ташланмоқда — яқин ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз, ижтимоий тараққиёт қонунларини назар-писанд қилмаганлигимиз, турмуш воқеликларига ақидапарастлик билан муносабатда бўлганлигимиз бизга ғоят қимматга тушмоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг аҳволига, жамиятнинг маънавий ва руҳий соғломлигига муқаррар таъсир кўрсатди. Афсуски, ҳиссиётга таъсир этиб, носоғлом эҳтиросларни, жумладан, миллатлараро адоватни авж олдираётган баъзи бузғунчи кучлар вужудга келган қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар. Бу эса кейинги вақтда кўпинча оғир оқибатларга, кўп ҳолларда фожиа билан тугайдиган ва одамлар бошига ғам-алам солишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайдиган можаролар чиқишига олиб келмоқда.

Биз, учрашув қатнашчилари, нуроний оқсоқолларга, эркаклар ва аёлларга, йигит ва қизларга, коммунистлар ва партиясизларга, жамоат ташкилотларига, янги тузилмалар ва ҳаракатларга, жумҳуриятларимиз Ватанига айланган барча халқларнинг вакилларига мурожаат қилиб, уларни бутун куч, билим ва ғайратини умумий фаровонлигимиз йўлидаги бунёдкорлик меҳнатига, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга сафарбар қилишга даъват этамиз. Ақл-идрок ва вазминлик, фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда босиқлик ҳозир ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

Буюк аждодларимиз хотираси бугунги кунда бизларни куч-ғайратни бирлаштиришга, қардошликнинг тарихий ришталарини мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Мангу барҳаёт шоирлар, мутафаккирлар барча даврларда халқлар дўстлиги ва иноқлигини куйлаб келганлар. Эзгулик ва меҳр-муҳаббатни инсон қалбининг бебаҳо бойлиги сифатида улуғлаганлар.

Биз учрашувда қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунига минтақадаги барча аҳоли ўз муносабатини билдиради ҳамда уни қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз. Биз ҳам ўзимизга берилган ҳокимиятдан тўла фойдаланиб, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, конституцион нормаларга ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъиян риоя этилиши, иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муаммолар самарали ҳал этилиши учун барча ишларни қиламиз.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси А. МАСАЛИЕВ

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси Қ. МАҲКАМОВ

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси С. НИЁЗОВ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Олмаота шаҳри. 1990 йил, 23 июнь.

Биз шиддатли сиёсий жараёнлар, қадриятларга қайта баҳо бериш, ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий соҳаларидаги тангликни бартараф этиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Биз ана шу мураккаб туб бурилиш даврида қайта қуришнинг асосий йўналишларидаги ҳаракатларимиз бирлигига эришишимиз ва куч-ғайратларимизни мувофиқлаштиришимиз айниқса зарур. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви худди шу вазифаларга хизмат қилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини на фақат жуғрофий яқинлик, айни вақтда муштарак тарихий тақдирлар, маданиятлар, анъаналар ва расм-русумларимизнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди. Биз жумҳуриятларнинг қарор топган ҳудудлари бузилмаслигини тасдиқлаймиз ва улар кимнингдир хоҳиш-иродаси билан, бу жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ноёб табиий-иқлимий шароитларга, бой имкониятларга эга. Улардан самарали фойдаланиш аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга, фақат минтақамизнигина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатимизнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишга имкон беради. Бироқ минтақа иқтисодиётининг юзага келган йўналиши, яъни унинг хом ашё етказиб берувчи минтақа бўлиб қолиши ижтимоий жиҳатдан ривожланишда анча орқада қолишга сабаб бўлди. Экологиянинг аҳволи, соғлиқни сақлаш соҳаси, айниқса болалар ўлими, аҳолининг узоқ умр кўрмаслиги, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарсиз таъминланиш катта ташвиш туғдирмоқда. Тақчилликнинг кучайиб бораётганлиги ва сув ресурсларининг ифлосланиши минтақа аҳолисини экологик ҳалокат ёқасига олиб келди ва минтақамизнинг ҳам, умуман бутун мамлакатимизнинг ҳам маблағ ва ресурсларини жалб этишни талаб қилади.

Биз янги иттифоқ шартонмасини тузиш асосида мамлакатимизнинг федерал тузилмасини янгилаш тарафдоримиз, бу эса жумҳуриятларнинг миллий-тарихий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўзига хослигини ҳисобга олиб ва улар ҳар бирининг дастлабки аҳволига холис баҳо бериб, алоқаларнинг ғоятда ранг-баранг шаклларини ривожлантиришга кафолат бўлур эди. Бу халқларга амалда ўз ерларининг ҳақиқий соҳиблари бўлишга имкон беради, тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этиш учун шарт-шароит яратади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги кўп томонлама ҳукуматлараро битим шу принциплар асосида тузилди. Унда умумиқтисодий муаммолар, фан ва техника, маориф ва маданият, экология, молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш соҳаларидаги ҳамжиҳатликнинг устун йўналишлари белгилаб берилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолини оқилона равишда иш билан банд қилишга эришиш мўлжалланган. Жумҳуриятлараро программани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. Жумҳуриятлар иқтисодиётини тузилиш жиҳатидан қайта қуришни мувофиқлаштиришни ҳамда ташқи иқтсодий алоқаларни ривожлантиришда биргаликда фаолият кўрсатишни таъминлайдиган тадбирлар режалаштирилган. Умумиттифоқ бозори вужудга келтирилаётган шароитда ишлаб чиқариш-техникавий маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли молларини ўзаро фойдали асосда айирбошлаш назарда тутилади. Битимни амалга ошириш учун доимий ишлайдиган Ҳамкорлик мувофиқлаштириш кенгаши тузилади, унга барча зарур ваколатлар берилади.

Эришилган битим бозор механизмининг шаклланишига, иқтисодиёт интеграциясига, марказдан қочма тамойилларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишга ва пировард натижада аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Орол бўйининг экологик ҳалокати минтақанинг ўткир муаммоси ҳисобланади. Биз Орол денгизи ҳавзасидаги экологик мувозанатни тиклашга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида жумҳуриятлараро комиссия тузиш ва Оролбўйи аҳолиси учун ёрдам жамғармаси таъсис этиш тўғрисида келишиб олдик, ушбу минтақада яшовчи кишилар турмушини яхшилаш билан боғлиқ бошқа бир қанча муҳим масалалар юзасидан ҳам битимга эришилди. Лекин мазкур ўткир муаммони узил-кесил ва сўзсиз ҳал этиш учун булар етарли эмас.

Биз ССР Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевга, СССР Олий Советига мурожаат этиб, улардан Оролбўйини Умумхалқ ҳалокати зонаси деб эълон қилишни ва ушбу муаммони ҳал этишга БМТ ихтисослашган муассасалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларни жалб этиб, Умумиттифоқ экология жамғармасини тузиш ҳисобига Оролбўйидаги экологик мувозанатни тиклашга доир давлат программасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишларини сўраймиз. Биз Оролни қутқаришнинг ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг принципиал йўлларидан бири сифатида Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ташлаш муаммосига қайтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, бу 50 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг истиқболини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга кафолат берадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Биз халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, ҳамжиҳатликни дўстликни чуқурлаштириш — энг аввало Бутун-иттифоқимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Жумҳуриятларимизнинг халқлари совет кишилари турмушини яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларни уюштириш негизида мамлакатимиздаги ва ҳар бир минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга бўлган умидларини КПССнинг бўлажак XXVIII съезди билан боғламоқдалар.

Биз кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили учрашувлар ўтказиб туриш тўғрисида келишиб олдик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси А. МАСАЛИЕВ.

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси Қ. МАҲКАМОВ.

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси С. НИЁЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ҚОЗОҒИСТОН ССР, ҚИРҒИЗИСТОН ССР, ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН ССРнинг ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР ҳукуматлари,

жумҳуриятларнинг давлат ва иқтисодий мустақиллиги принципларига амал қилиб,

анъанавий сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларга, территориал ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар умумийлигига асосланиб,

бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро фойдали муносабатларни кучайтириш мақсадларидан келиб чиқиб,

жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши билан боғлиқ мунтазам ахборот ва тажриба айирбошлаш, кенг кўламли алоқаларга энг кўп қулайлик яратиш режимини таъминлаш, халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, территорияларни экологик жиҳатдан соғломлаштириш, мамлакат давлат бошқаруви органлари, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар, шунингдек хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий мулоқотларни ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб,

иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида ушбу ҳукуматлараро битимни тузадилар.

I. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1. 1. Ушбу битим жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка эришиши, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиб, самарали иқтисодий стратегия ва тактикани рўёбга чиқаришга оид ишларни мувофиқлаштириш, жумҳуриятлар кўпмиллатли аҳолисининг ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида тузилди.

1. 2. Ушбу битим иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларига оид ўзаро фаолиятнинг конкрет турлари ва шакллари битимнинг ажралмас қисми бўлган программада белгилаб берилади.

Томонлар асосий йўналишларнинг ҳар бири юзасидан ва программа тадбирларига мувофиқ, министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, уюшмаларнинг ваколатли қатнашчилари сифатида амалга ошириладиган тадбирларни, ишларнинг келишиб олинган ҳажмларини ойдинлаштириб олиш ва олинадиган самарани тақсимлаш йўли билан ўзаро шартномалар (протоколлар)ни ишлаб чиқадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚЎШМА ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

23 июнь куни Олмаотада, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Қозоғистон жамиятининг биносида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари учрашуви ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Қозоғистон ССР Министрлар Кенгаши Раиси У. Караманов, Қирғизистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси А. Жумагулов, Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси И. Ҳаёев, Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ҳ. Аҳмедов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Ушбу битимни амалга оширишнинг аниқ программасини Ўзбекистон ССР давлат план комитети раиси Б. С. Ҳамидов, Қозоғистон ССР давлат план комитети раиси К. А. Абдуллаев, Қирғизистон ССР давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари М. Ойболаев, Тожикистон ССР давлат план комитети раиси Т. Назаров, Туркманистон ССР давлат план комитети раиси М. Ражабов имзоладилар.

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатнома қабул қилдилар.

(ҚозТАГ).

УЧРАШУВ ТУГАДИ

Марказий ва жумҳурият газеталари, журналлари, радио ва телевидение ходимлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Олмаотада ниҳоясига етган учрашувига катта қизиқиш билдирдилар. 23 июнь куни, учрашувлар чоғида ишлаб чиқилган ҳужжатлар имзоланиши биланоқ Дўстлик уйида улар билан учрашув ўтказилди.

Журналистлар ҳузурида делегацияларнинг раҳбарлари — Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов сўзга чиқдилар. Улар учрашув якунларига юқори баҳо бердилар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Жумҳурият пойтахти билан танишишни давом эттирган делегация аъзолари юксак тоғликда жойлашган ноёб «Медео» спорт комплексига бордилар ва уни кўздан кечирдилар.

Шу куни Ўрта Осиё жумҳуриятларининг делегациялари Олмаотадан жўнаб кетишди. СССР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда меҳмонларни Н. А. Назарбоев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Қозоғистон ССР Президентлик кенгашининг аъзолари, жумҳурият министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Олмаота партия ва совет идораларининг вакиллари, жамоатчилик намояндалари кузатиб қолдилар.

(ҚозТАГ).

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Шу йилнинг 12 сентябридан 22 октябригача Тошкент шаҳрида истироҳат боғлари ва хиёбонларни безаш мавзусига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтади. Учрашувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитети тузилди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан жумҳуриятимизга рассомлар ва ҳайкалтарошлар келишади, улар бевосита шу ернинг ўзида ўз асарларини яратадилар. Усталар асосан Тошкентдаги амалий санъат тажриба-ижодий комбинатида ишлайдилар.

Ташкилот комитетининг 22 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган мажлисида анжуманга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гап борди. Мажлисни жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов олиб борди.

(ЎзТАГ).

Сиёсий мулоқот

«МОЖАРО УЧҚУНЛАРИ АЛАНГА ОЛМАСИН»

Ушбу сўзлар бундан бир ярим йил муқаддам Москвада, турли миллатга мансуб ёшлар тўпланган катта залда айтилган эди. Ўшанда миллатлараро муносабатлари муаммолари хусусида қизғин мунозара бўлган эди. Мамлакатимизнинг баъзи жойларида бу жанжалларнинг дастлабки алангалари ўт ола бошлаганига қармасдан, мен юқоридаги сўзларни айтган лектор аҳволга атайин фожиона тус бераяпти ва келажакка умидсизлик билан қарамоқда, деб ўйлагандим.

Ушбу лекциядан сўнг маърузачи билан шу мавзуда анчагина баҳс бўлди. Мен фалсафа фанлари доктори С. С. Сандқосимовнинг Совет Иттифоқидаги миллий жараёнларга берган баҳосига тўла қўшила олмадим. Бироқ, олим ва партия ходимининг жамиятдаги салбий ҳодисалардан жиддий ташвишланаётганлиги сезилиб турарди. Ҳозирга келиб бу ташвишлар ўринли бўлганлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилишга мажбур бўляпман.

КПСС Марказий Комитети Мафкура бўлимининг масъул ходими бўлиб ишлаётган юртдошимиз Сандмухтор Сандғозиевич Сандқосимов мана уч йилдан бери ушбу муаммолар билан бевосита шуғулланмоқда, деярли бутун иттифоқимизни айланиб чиққан, турли минтақалардаги қонли тўқнашувларнинг жонли гувоҳи бўлган.

Ўша кун Москвада у билан қилган мулоқотимиз охирига етмай қолди. У шошилинч равишда янги можаро содир бўлган жойга учиб кетди. Яқинда Сандмухтор Сандғозиевичнинг шаҳримизда бўлишидан фойдаланиб, ўша суҳбатни охирига етказишга ҳаракат қилдим.

Мен унга тўғридан-тўғри: бизда миллатлараро муносабатларда қандай воқеалар содир бўлмоқда, деган саволни бердим. Биз қачонгача буларнинг ҳаммасини ўтмиш хатоларининг оқибати, деб ўзимизни юпатиб келамиз? Яқин келажакда ушбу жуда нозик соҳада бирор ижобий ўзгаришларни кутиш мумкинми?

— Кейинги пайтларнинг ўзида мамлакатимизнинг турли минтақаларида ва хорижда ҳар хил тоифага мансуб кишилар билан миллий муносабатларга бағишланган учрашувларда иштирок этдим. Улар билан суҳбатимиз одатда Сиз берган саволлардан бошланади. Бугунги кунда барча совет кишилари миллатлараро муносабатлар аҳволидан жуда ташвишга тушиб қолганлар. Менинг фикримча, бу соҳадаги аҳвол иқтисодиётимиздаги аҳволдан ҳам мушкулроқдир. Ўйлашимча, муайян вақтдан сўнг иқтисодий аҳволимиз ўзгариши керак. Лекин миллатлараро муносабатлар яхшиланадими ёки йўқми — буни тахмин қилиш осон эмас. Бунинг сабаблари кўп.

◉ Сиёсий мулоқотнинг давомини рўзноманинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ҚОЗОҒИСТОН ССР, ҚИРҒИЗИСТОН ССР, ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН ССРнинг ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

I. 3. Ҳамкорликни кенгайтириш барча қатнашчиларнинг тенглиги, баравар шериқчилик ва ўзаро фойда, эришилган битимни кўзлаб ҳар қандай маъмурий, ҳуқуқий ёки молиявий тусдаги чеклашларни бекор қилиш принципларида таъминланади.

Томонлар бир-бирларига зарар етказишни мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан, жумладан:

шериқларга тенг бўлмаган шартларни қўлланиш;

— техникавий тараққиётни, ишлаб чиқариш шароитларини, томонлардан исталганининг манфаатларига зарар етказиб маҳсулот сотишни чеклаш;

— шериқларга ишларни биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ёки камситувчи тусдаги қўшимча шартларни қабул қилишга мажбур этишдан ўзларини тиядилар.

I. 4 Томонлар бир қанча жумҳуриятларда амал қилаётган халқ истеъмоли молларини олиб чиқиб кетишни чеклашни 1991 йилнинг 1 январидан бекор қилиш, шу мақсадда минтақа манфаатларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий омилини ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

I. 5. Томонлар энг аввало, ҳукуматлараро битимлар бажарилишига зарар етказмай, юридик шахслар бўлган корхоналар, ташкилотлар, уюшмалар ва уларнинг бошқа бирлашмаларн ўртасидаги бевосита алоқалар доирасида чинакам бозор муносабатларини вужудга келтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ана шу босқичида жумҳуриятларнинг самарали халқ хўжалик алоқаларини йўлга қўйишга имкон берадиган воситачи таъминот-маҳсулот сотиш ташкилотлари ишини фаоллаштириш зарур.

I. 6. Ҳамкорликни амалга оширишда мулк шакли ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, жумҳуриятларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Ҳамкорликда томонларнинг розилиги билан жумҳуриятларнинг ҳудудидан ташқарида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий шериклар иштирок этиши мумкин.

I. 7. 1991 йилда 1990 йилги даражадан паст бўлмаган даражада хом ашё, маҳсулот ва моллар етказиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

II. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2. 1. Томонлар қуйидаги устун йўналишлар куч-ғайратларни бирлаштириш ва ўзаро интеграция воситаси деб ҳисоблайдилар:

— умумиқтисодий муаммолар ва молиявий-кредит сиёсати;
— соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият;
— истеъмол бозорини ва халқ истеъмол молларн ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
— илмий-техникавий ҳамкорлик;
— информатика ва ахборот таъминоти;
— оқилона меҳнат тақсимоти;
— экология ва сейсмология;
— саноат ишлаб чиқариш структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;
— инвестиция сиёсати, қурилиш базасини ривожлантириш;
— ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва алоқа;
— моддий-техника таъминоти;
— қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат;
— ташқи алоқалар;
— ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва уюшган жиноятчиликкa қарши кураш.

2. 2. Томонлар ана шу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан битим амал қиладиган даврга қўшма ёки ўзаро шартномалар (протоколлар) ишлаб чиқадилар. Ана шу шартномалар (протоколлар)га келгусида ўзаро розилик асосида аниқлик киритилиши ва улар конкретлаштирилиши мумкин.

III. ҲАМКОРЛИК ОМИЛЛАРИ

3. 1.Томонлар жумҳуриятларнинг алоқаларини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳаракатларини таъминлаш мақсадида ишчи группаси Олмаота шаҳрида бўладиган ва доимий ишлаб турадиган амалий ҳамкорлик мувофиқлаштирувчи кенгашини тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

3. 2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш жумҳуриятлар Давлат план комитетларининг раисларидан ташкил топади, унинг мажлислари зарур бўлганида, лекин йилига камида икки марта жумҳуриятларнинг пойтахтларида навбатма-навбат ўтказилади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом жумҳуриятлар ҳукуматлари томонидан тасдиқланади.

3. 3. Кенгаш томонларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий сиёсатининг умумий кўрсатмаларн ҳамда мазкур битим шартлари бажарилишинн мувофиқлаштириб туради. Кенгаш томонлар якдил овоз берганида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. 4. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолият доирасига битгадан ортиқ жумҳуриятнинг манфаатларига тааллуқли масалалар, аввал қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул этиш масалалари киради. Кенгаш ишлаб чиққан қарорлар тавсия руҳида бўлиб, жумҳуриятларнинг иқтисодий, фармойиш берувчи ва қонун чиқарувчи идораларида синовдан ўтади, улар ижроия органларнинг биргаликдаги қарорлари билан расмийлаштирилади.

3. 5. Мазкур битим юзасидан томонларнинг жавобгарлиги ушбу битим асосида томонлар ўртасида тузилган шартномалар ва хусусий битимлар билан тартибга солиб турилади.

3. 6. Ушбу шартномалар (протоколлар) жумҳуриятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш давлат планларига уларнинг тадбирларини устун даражада киритиш орқали амалга оширилади.

Шу мақсадда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон иқтисодий органлари иқтисодиётнинг ҳозирги бошланғич аҳволини ва минтақа аҳолисининг ижтимоий аҳволини чуқур таҳлил қилсинлар, умумиттифоқ жамғармаларини жалб этиб ва минтақалар жамғармаларини тузиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни тенглаштиришга доир омилларни ишлаб чиқсинлар.

3. 7. Томонлар зарур бўлган тақдирда қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ва норматив ҳужжатлар қабул қилишдаги ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, ушбу битимни ва ҳамкорлик программасини бажаришга қаратилган ўзларининг биргаликдаги фаолиятларини бошқариб турадиган зарур қарорлар қабул қиладилар.

3. 8. Кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили жумҳуриятлар ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувларини ўтказиб туриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

IV. БИТИМНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

4. 1. Ушбу битим 1990 йилнинг 1 июлидан кучга киради ва у жумҳуриятлар Олий Советларида қонуний расмийлаштирилиши керак.

4. 2. Битим 1996 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга тузилади.

4. 3. Томонларнинг бирида битимнинг амал қилишини тўхтатиш ҳоҳиши пайдо бўлганида, мазкур жумҳурият ҳукумати бошқа томонларга бу ҳақда олдиндан, битимдан чиқишдан уч ой илгари хабар бериши керак.

4. 4. Битим амал қилишни тўхтатиш ёки унинг шартларини ўзгартириш томонлар ҳукуматларининг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади.

4. 5. Битимнинг амал қилиш муддатини узайтиришга унинг амал қилиш муддатидан камида ярим йил олдин томонлар ҳукуматлари келгилайдилар.

Ушбу битим ҳар қандай иттифоқдош ва мухтор жумҳурият унга қўшилиш учун очиқдир.

Битим ССРга қонунларига ва унинг халқаро мажбуриятларига, битим қатнашчиларининг манфаатларига, қонунларга, илгари тузилган битимлар ва шартномаларга, шунингдек ҳар бир томоннинг халқаро мажбуриятларига зид эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси	Қозоғистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси	Қирғизистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
Ш. МИРСАИДОВ.	У. КАРАМАНОВ.	А. ЖУМАҒУЛОВ.
Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси	Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси	
Н. ҲАЁЕВ.	Ҳ. АҲМЕДОВ.	

Олмаота шаҳри. 1990 йил 23 июнь.

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Биз шундай нуқтага келдикки, уннинг ортида умуммиллий портлаш юз берадиган вазият турибди. Бу ҳақда рўй-рост айтишимиз ва бўлиши мумкин воқеалар устида жиддий бош қотиришимиз даркор.

Миллатлараро муносабатларда бизнинг ўтмишдаги хато ва камчиликларимиз ўзига хос мужассамини топган. Бутун-бутун миллат ва элатларга нисбатан давлат томонидан қилинган жиноятни олиб қаранг. Ахир улар ўз юртларидан зўрлаб қувғин қилиндилар. Буларнинг ҳаммаси муқаррар равишда халқларнинг онгида, ўйида ўз аксини топмай қолмади.

Бирон-бир миллатга нисбатан ҳақоратомуз, адолатсиз муносабат унинг миллий ғурурида оғир асорат қолдиради. Мисол учун узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сталинча миллий сиёсат қолдиқларининг сўнгги йирик қурбони ўзбек халқи бўлди. Бунда сизнинг қаламкаш ҳамкасбларингизнинг ҳам анчагина «ҳиссаси»си бор.

Бир сўз билан айтганда миллий турмушда бизга ҳақиқатдан ҳам оғир, ўтмиш жароҳатлари жуда кўп бўлган мерос қолган.

— Лекин нима учун буларнинг ҳаммаси ҳозир юзага чиқяпти? Ахир илгари...

— Сиз нима демоқчи бўлганлигингизни сезиб турибман. Агар демократиялаш шу даражага бормаганда миллатлараро можаролар ҳам ана шундай кенг қўламли ва кескин бўлмасди, деган айблар тобора кўпроқ эшитиляпти. Мен бундай қарашларга қўшила олмайман. Жамиятимиз демократик йўлдан ривожланиши керак. Бундан бошқа йўл йўқ. Лекин демократиянинг ўзини қандай тушунмоқ лозим? Ахир бу биринчи галда чинакамига халқ ҳокимиятининг юқори босқичи эмасми? Бундай ҳолда ўзбошимчалик, зўравонлик қилишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Демократия кенг омманинг умумий ва айниқса сиёсий маданияти юксак савияси, уларнинг онгли уюшқоқлиги ва интизомлиги мезонидир. Демократия учун ўзбошимчалик зиддир.

Миллатлараро можаролар алангаси шунинг учун тобора кучаймоқдаки, миллий ҳаракатларнинг айрим етакчиларн аллақачон пишиб етилган муаммоларни, халқларнинг табиий эҳтиёжлари ва талабларини очиқ ва эркин муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиб, худди ана шундай ўткир муаммолар аслини олганда мамлакатимиз барча миллат ва элатларида ҳам мавжудлигини ёддан чиқара бошладилар.

— Ҳақиқатан ҳам рўзнома ва журналларни ўқир экансан, депутатларнинг нутқларига қулоқ тутаркансан, ҳали бирор марта кимдир ўз халқининг қисматн яхши яшаплиги тўғрисида гапирганлиги ёки ёзганлигига дуч келмайсан...

— Ҳа-да! Диққат берсангиз бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида, турли съездлар, сессиялар, конференцияларда худди шу муаллиф ёки нотиқнинг миллати ҳаммадан кўп азобуқубатларни бошдан кечираётганлигини исботлаш учун ўзига хос мусобақа кетаётганлигини кўриш мумкин. Энг кўп сонли ҳисобланган рус миллати вакиллари ҳам, деярли йўқ бўлиб кетиш чегарасига бориб қолган Шимолдаги кам сонли халқлар вакиллари ҳам ўз оқу фарёдларини баён этмоқдалар. Ёки бўлмаса Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги аҳволни олиб кўринг. Бу ерда яшаётган халқларнинг ҳозирги турмуш шароитларини яхши дейиш мумкинми?

Сафарларим давомида мамлакатимиз кўпгина халқларининг ҳақиқий аҳволини ўз кўзим билан кўрдим. Шу боисдан ўз миллати муаммолари ҳақида гапираётган ҳар бир кишининг эҳтиросли сўзлари тушунарлидир. Таниқли зиёлилар, оддий кишилар ўз халқига, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати тўғрисида қандай ажойиб сўзларни айтмоқдалар. Умуман олганда ҳар бир миллатнинг аҳволи тўғрисида тўлқинлантирувчи мулоқот давом этяпти.

— Ана шундай манбалар билан танишар экансан, виждонинг олдида қийналасан, киши.... Ахир биз бошқа халқларнинг, амалда эса оға-инилариминнинг миллий турмушига онд қанчадан қанча нарсалардан бехабармиз...

— Шуниси алам қиладн-да. Мен кўп марта бир хил тажрибя ўтказдим. Уларнинг натижалари ҳар сафар таажжублантирмай қолдирмасди.

Олимлар даврларида ҳам мен Совет Иттифоқининг улар билган миллат ва элатлари номларини санаб беришни илтимос қилганман. Ҳатто олимлар ҳам энг кўпи билан 37 номни айтишди. Ҳолбуки, ўтказилган сўнгги аҳоли рўйхатига мувофиқ СССРда тахминан 150 та миллий уюшма яшаб келар экан. Мана бизнинг бир-биримизга муносабатимиз, миллий биқиқлик «мева»лари!

Бу миллат ва элатларнинг ҳар бири ўзининг ноёб маданиятига, санъатига, анъаналарига эга эканлиги тўғрисида гапирмай қўя қолайлик. Миллий тилни олиб кўринг. Ахир бу инсониятнинг ақлбовар қилмайдиган кашфиёти-ку! Қанча кўп тилни билсанг, ўргансанг шунча яхши. Биз шу пайтгача мамлакатимиздаги миллатларнинг ўзига хос бетакрорлигини тўғрисидагина эмас, умуман бизда қайси миллатлар мавжудлиги ҳақида ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмасмиз. Буни шармандали ҳол, деб аташ керак. Ахир биз Америка, Япония ёки Африка тўғрисида деярли ҳамма нарсани биламиз-ку! Бироқ, ўн йиллар давомида биз ёнма-ён яшаётган қўшни халқларга қардошларча қизиқишимизни, самимий муносабатимизни ҳамиша ҳам кўрсатмадик. Шунинг учун ҳам яқин ўтмиш тўғрисида гап очилганда бизда ўзаро ҳафагарчилик, шубҳа, ишончсизлик учун жуда кўп асослар бўлган. Улар бугунги кунда ўзларини фожиали кўринишларда намоён этмоқда.

Эндликда биз ҳар бир миллатнинг аҳволини, унинг мураккаб тақдирини тасаввур этяпмиз, аниқроғи тасаввур эта бошладик. Бундан тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш вазифаси келиб чиқади. Шундай экан, биз қўшниларимизнинг аҳволи ҳам яхши эмаслигини, чигал муаммоларни ҳам этиш ҳар қачонгига қараганда ҳам ўзаро самимиятни, таъкидлайманки, энг аввало самимиятни, инсоний меҳрибонликни ва ўзаро ёрдамни талаб этишини ёдда тутишимиз зарур. Агар биз бир-биримизга қарши турсак, халқлар шундай ҳам инқирозий ҳолатдаги аҳволларини янада мушкуллаштирган бўлар эдилар.

— Бироқ бошқача қарашлар ва баҳолар ҳам учраб турибди. Биз буни хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, лекин айрим кишилар миллатлараро можаролар сабабларини қайта қуриш билан боғламоқдалар. Бир неча бор миллатлараро муносабатларнинг мураккаблашишида қайта қуриш айбдор эмасми, деган даъволарни эшитишга тўғри келган. Қайта қуришдан илгари қардош халқларнинг бир-бирлари билан фожиали тўқнашувларн ёдга эслатишга ўринлими?

— Юзаки қараганда ҳақиқатдан ҳам шундай. Миллатлараро можароларнинг пайдо бўлиши ҳақиқатан ҳам қайта қуриш даврига тўғри келди. Шунинг учун анчагина одамлар қайта қуриш бўлмаганида бу тўқнашувлар ҳам бўлмас эди, деб ўйлашмоқда.

Янгича сиёсат шаънига билдирилаётган бундай айблар, фикримча, адолатдан эмас. Биз демократик, очиқ, чинакамига инсоний жамиятни қуришни мақсад қилган йўлдан бошқа тўғри йўл йўқ. Бунга инончим комил. Худди ана шу янгиланиш сиёсати ҳамма, шу жумладан, миллатлараро муаммоларни ҳам муҳокама қилиш имконини берди. Аммо қайта қуриш шиорлари остида сафсатабозлик қилиш, янги имкониятлардан фақат «ўз» миллати учун манфаат қидириш ҳоллари ҳам учраб турибди. Биз туб миллат манфаатларининг устунлиги ҳақидаги даъволарни эшитганимизда, бир қарашда бу мантиқан тўғрига ўхшаб кўринади. Зеро гап ушбу халқнинг миллий ўзлигини сақлаш учун тегишли шароитлар яратиш тўғрисида кетмоқда. Лекин биз бу миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва инсон ҳуқуқлари ғояларига қанчалик мос тушишини ўйлаб кўрайлик. Ахир буларсиз ҳур жамиятнинг ўзи бўлмайдику!

Миллатга сиғиниш пайдо бўлар экан, биз мамлакатимизда камида 150 та миллат борлигини ёддан кўтармайлик. Бу ўринда икки йўлдан бирини танлашга тўғри келади.

Биринчиси — ҳар биримиз фақатгина ўз миллатимиз ҳуқуқиниими ёки миллий тенгҳуқуқлиликни тан оламизми? Нимани устун қўйиш керак: «ўз» миллатининг манфаатинимни ёки ҳар бир кишининг — унинг миллий мансублигидан қатъи назар — тенг ҳуқуқлилигинимни? Ҳам миллий, ҳам инсоний ғурурга тааллуқли бўлган ана шу масалаларга ойдинлик киритилган тақдирдагина қўшни халқларнинг келгуси



«МОЖАРО УЧҚУНЛАРИ АЛАНГА ОЛМАСИН»

тараққиётининг энг мақбул йўлларини аниқлаш имкони туғилади.

Менинг тушунишимча, қайта қуриш ҳаётимизнинг янги шаклларини, шу жумладан миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам янги шаклларини ривожлантириш учун имконият яратишга йўналтирилганлар. Ҳамма нарса бизнинг янги тарихий вазиятдан қандай фойдаланишимизга: ҳам ҳар бир алоҳида миллат манфаатини, ҳам бутун ҳамжамиятимиз умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимизга боғлиқдир.

— Шуни айтиш керакки, кўпчиликни худди шу ҳамжамиятимизнинг тақдири қандай бўлиши ташвишлантираяпти? Қани сизнингча, у қандай бўлади? РСФСР халқ депутатларининг съездини кузатганлар, унда қабул қилинган бу энг йирик жумҳурият суверенитети тўғрисидаги Декларацияни бир хил баҳоламаяптилар. Ҳар бир жумҳурият ўз суверенитетига эга бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Айни пайтда ушбу съездда мазкур ҳужжат ишлаб чиқилаётган бир пайтда кўпгина депутатларнинг эътирос устун бўлган нутқлари ва баҳолари кишини ўйлантирмай қўймайди. Жумладан, жумҳурият қонунларининг иттифоқ қонунларидан устунлиги, жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда жаҳон нарх-наволарга амал қилиш тўғрисида гапирилди...

Бу — ташвишлар ўринли, деб ҳисоблайман. Фикримча, Россия парламентидаги воқеалар ривожланаётган жараённнг ўзига хос ниҳояси бўлди. Биз Совет федерацияси қандай бўлиши кераклиги тўғрисида баҳслашаётган бир пайтда жумҳуриятлар ичидаги сиёсий жараёнларнинг ривожи амалда мутлақо бошқача ҳаётий вазиятни юзага келтирди. Бугун биз ҳаётда дуч келаётган кўпгина нарсалар КПССнинг миллий муносабатларга бағишланган Ҳаракат дастурида келтирилган фикрларга мос тушмасди.

— Менинг навбатдаги саволим худди шу масала билан боғлиқ. Ушбу ҳаракат дастури жиддий танқидларга сабаб бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

— Очиқ айта қолай, КПССнинг миллий муносабатлар бўйича Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асоссиз равишда чўзиб юборилди. Натижада у миллатлараро муносабатлар соҳасида таркиб топган вазиятни эмас, аксинча партиянинг бу муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган ниятини ифода этди. Аслида бу Ҳаракат дастурида фойдали ғоялар кам эмас. Аммо КПСС ушбу ҳужжатни қабул қилгандан кейин ҳам уни ҳаётга тадбиқ этиш учун етарлича фаоллик ва собитқадамлик кўрсата олмади. Оқибатда унинг кўпгина кўрсатмалари қоғозда қолиб кетди ва миллий жараёнларнинг ривожига кўзланган таъсирни ўтказа олмади.

Пировард натижада биз янгиланган федерацияга интилган ҳолда ҳозирнинг ўзида конфедератив ҳолатга тушиб қолдик. Бугунги кунда кўпгина жумҳуриятлар Россия парламентида бўлганидек, жумҳурият манфаатларининг иттифоқ манфаатларидан устун қўйишга интилмоқдалар, буни қонун йўли билан мустаҳкамлаяптилар. Яқиндагина Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида ҳам Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Бу объектив равишда жумҳуриятларнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга ва сиёсий мустақилликка олиб келади. Бу ҳолда ҳозир биз билган ягона иттифоқ давлати шу ҳолида қолмайди.

— Федерация кенгашининг сўнгги мажлиси якунига кўра гап давлатлар иттифоқи тўғрисида кетмоқда...

— Конфедератив вазият тўғрисида гапирганимда мен худди шуни назарда тутган эдим. Афтидан, воқеаларнинг бундай ривожи жадаллашиши мумкинлигини таҳмин қилиш мумкин. Янги, юзага келаётган вазиятнинг асосий хусусияти шундаки, ягона иттифоқ давлатида ҳамма учун ягона бўлган давлат ҳуқуқи амал қилади. Сиёсий жиҳатдан суверен, мустақил давлатлар иттифоқи, яъни уларнинг конфедерацияси тўғрисида гапирар эканмиз, у ҳолда жаҳондаги тажрибага биноан улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ амал қилади. Бу—биринчи хусусият.

Иккинчи хусусият шундаки, конфедерация бир неча ягона бошқарув органларига, айтайлик, умумий мудофаа, ташқи сиёсат ва ҳоказо бошқарув органларига эга бўлади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бугунги кунда соф маънода конфедератив иттифоқлар йўқ. Тарихдан бизга маълумки, бундай давлатлар ёки бўлиниб кетади, ёки федерацияга айланади. Биз янги иттифоқ шартномаси устида ишлар эканмиз, у ҳозирги СССРнинг барча жумҳуриятлари ва халқлари учун умумий бўладими-йўқми эканлиги тўғрисида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Менинг фикримча, агар бирлигимизнинг улкан бунёдкорлик куч-қувватидан тўла фойдаланилса ва энг аввало иттифоқимизнинг иқтисодий жиҳатдан афзал бўлишига эришилса, янги, чинакамига янгиланган, том маънода тенг ҳуқуқли, мустақил жумҳуриятларнинг федерациясини, унда яшовчи миллат ва элатларнинг ихтиёрий иттифоқини тузиш энг мақбул иш бўларди.

— Иттифоқимизнинг иқтисодий аҳволлиги тўғрисида гап кетганда бунга, очигини айтсам, унчалик ишонқирамайман. Шахсан сизнинг бу масалани ҳал қилиш мумкинлигига ишончингиз комилми?

— Ҳозир бу ҳақда қатъий бир фикр билдириш қийин. Чунки иқтисодий инқирознинг чуқурлашиб бориши келажакка ғоят ишонч билан қараш учун ҳозирча асос бўлмаяпти. Шунга қарамасдан, мен эртанги кунимизга умид билан қарайман. Бунда энг аввало жаҳон хўжалигининг ривожланиши ва иқтисодий тараққиётнинг бирлашув жараёнини назарда тутаман. Иқтисодиёт умумжаҳон жараёнига қанчалик бирлашса, шунчалик самарали бўлишини инкор этиб бўлмайди. Ҳали жаҳонда бирор давлат бирдан-бир, айниқса ўзини ўзи бирдан-бир қилишга олиб келиш натижасида бирор ижобий ўзгаришларга эришмаган. Ахир ҳозирги кунда ҳар бир халқ мустақил равишда тайёра, машина, телефон, янги техника ва технологияни ихтиро этиши, уларни ўзи жорий этиши, улардан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланишини тасаввур этиб бўладими? Бу жуда узоқ муддатли ва қимматга тушадиган жараён бўларди. Нима учун велосипедни қайтадан ихтиро қилиш шарт? Иқтисодий равнақни кенг, ўзаро манфаатли хўжалик алоқаларисиз, фаол ва тенг ҳуқуқли савдо муносабатларисиз таъминлаб бўлмайди. Шу ҳолдагина иқтисодиёт бир тарафли бўлишининг олдини олиш, унинг юксак рентабеллиги ва самарадорлигини таъминлаш мумкин. Бу ҳолда ҳар бир жумҳурият ўз иқтисодий тараққиёти йўллари, шаклларини танлашда тўлиқ эркинликка эришишлари зарур.

— Сиз, ташқаридан ҳеч қандай тазйиқ ўтказишга йўл қўйиб бўлмайди, демоқчисиз-да.

— Бу қатъиян ман этилади. Ўта марказлаштирилган маъмуриятчилик, минтақалардаги кишиларнинг аниқ аҳволини, уларнинг хусусиятини, бу ерларда яшовчи халқларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик бизни шу оғир аҳволга солди. Шу туфайлигина иқтисодиётн издан чиқарилган, фақат хом ашё етиштиришга ихтисослаштирилган районлар пайдо бўлди. Бугун пахта яккаҳокимлиги тўғрисида ҳаққоний айтиляпти. Бу ўзбек халқининг фожиаси дейиш мумкин. Ана шу якка ҳокимлик шундай катта жумҳурият аҳолисининг ҳаётбахш кучлари ва имкониятлари илдизига болта урди. Айни вақтда худди шундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам мавжуд. Кимдир фақат металл ишлаб чиқаришга, кимдир — газ ва нефтга, кимдир биргина балиқчиликка ихтисослашган. Энг ачинарлиси шундаки, мамлакатимизнинг бутун-бутун минтақаларида энг замонавий ишлаб чиқаришлар, технологик жараёнлар мутлақо йўқ. Шунинг учун ҳам халқ ташаббусига кенг йўл очиб бериш, тўлақонли иқтисодий ҳаётни тиклаш учун унинг барча имкониятларидан фойдаланиш энг муҳим вазифадир.

Яна шуниси ташвишланарлики, бутун-бутун миллат ва элатлар, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари, янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш пайтида тенг бўлмаган, адолатсиз шароитда турибдилар. Бу фавқулодда, айниқса инсон ҳаёти билан боғлиқ соҳаларда фавқулодда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бозор иқтисоди шароитларидаги миллатлараро муносабатларнинг мураккаб муаммоси масаласида мен болалар аҳволини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фикримча Ўрта Осиё минтақасида ёш авлод ўсиб-улғайиши учун бошқа жумҳуриятлардаги тенгдошларига нисбатан ёмон шароитга эга бўлиш хавфи рўй-рост гавдаланмоқда. Бугунги кунда иттифоқ бўйича бир болани 18 ёшгача тарбиялаб, вояга етказиш учун оиланинг сарф-харажатлари 18 минг сўмни, бошқача қилиб айтганда йилига 1 минг сўмни ташкил этади. Бу ўртача кўрсаткич. Агар ҳозир мамлакат қишлоқларида туғилаётган ҳар уч боланинг биттаси Ўзбекистонда дунёга келаётганлиги назарда тутилса, бизданги кўп болали қишлоқ оиласи ўз фарзандининг тарбияси учун йилига 1 минг сўм сарф эта олишини хаёлига келтириб бўладими? Шу боисдан жумҳуриятларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида жаҳон нарх-наволарига ўтиш масаласи адолатли асосда ҳал этилиши керак. Бунда тарихан биргаликда яшаб келишимиз натижасида ўртамизда юзага келган мажбуриятлар инкор этилмаслиги керак. Ўзбекистондаги бугунги аҳвол худди ана шу оқибатлардан биридир. Янги иттифоқ шартномасида барча хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда хом ашё етиштираётган минтақалар учун мавжуд имтиёзлар кўзда тутилса адолатли бўларди.

— Саидмухтор Саидғозиевич, Сизнинг бу фикрларингиз юқорида билдирган иккиланишларимни йўқотмади. Ҳар бир жумҳурият томонидан ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилиш бкр-бирига нисбатан янада каттароқ ишончсизлик тугдирмайдими?

— Бундай хавфни инкор этиб бўлмайди. Ҳар бир жумҳурият иложи борича кўпроқ иқтисодий фойда олиш учун интилиши табиий. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Лекин менимча, ҳар бир жумҳурият иқтисодиётининг барқарор даражага чиққунга қадар бир-биримиз аҳволимизни тушунишимиз лозим. Бунда муайян даражада келишув керак. Биз тарихий тақдиримиз муштараклигини, қўшни халқлар экандигимизни, бир-биримизга тинчлик йилларида ҳам, уруш йилларида ҳам сахийлик билан бегараз ёрдам кўрсатганлигимизни асло унута олмаймиз. Тақдир тақозоси билан бу халқлар бундан буён ҳам ёнма-ён яшайди. Шунинг учун иқтисодиёт масалаларида эҳтиросдан эмас, балки халқларнинг ақл-идроки, донолиги устун келиши керак.

— Биз минтақамиздаги аҳвол масалаларига тўхталдик. Халқимиз тақдири Сиз учун бефарқ бўлмаса керак. Шу хусусдаги фикрларингизни эшитмоқчи эдим.

— Миллатсиз инсоннинг ўзи бўлмайди. Ҳар бир одам учун нимадир алоҳида қадрга эга. Мен Тошкентдан узоқда яшаётган ва ишлаётган бўлсам-да, биргина Ўзбекистондагина эмас, умуман Ўрта Осиё ва Қозоғистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб турибман. Бу ҳақда иттифоқимиздаги ва хориждаги матбуот ниманики ёзса ҳаммасини ўқийман. Ушбу минтақа аҳолисининг турли қатламларига мансуб кишилар билан мунтазам учрашиб тураман. Кейинги пайтда бу ерда миллий муносабатлар соҳасида содир бўлган фожиали воқеалар ташвишларимни кучайтиряпти.

Кўпгина мунозаралар натижасида, янги архив ҳужжатларини ўрганиб, шу нарсага ишончим комил бўлдики, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг фожиаларга бой бўлган тарихи жуда бўш, бир тарафлама ўрганилган экан. Бу мавзу ҳали ўзининг ҳалол ва мард тадқиқотчиларини сабрсизлик билан кутмоқда. Ушбу ўлка халқлари ўз тарихи, миллатнинг шаклланиш хусусиятлари тўғрисида кўп нарса билишмайди. Асрлар давомида бу халқларнинг тақдири муштарак бўлган. Уларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари бир-бирлари билан чамбарчас бўлиб кетган. Бунинг устига уларнинг динлари, қўпгина қадриятлари ҳам бир хил. Бугунги кунда ҳам мазкур халқлар ўзларининг биргаликдаги тараққиёти барча оғир оқибатларида ҳам бир хил шароитга тушиб қолганлар. Шундай экан, улар ҳақида гап кетганда бу миллатларга алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиш мумкин эмас. Уларни бир-бирига қарши қўйишга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу тарихга зид бўлар эди. Зеро улар оғаини, қон-қардош халқлардир. Тарихнинг ўзи улар қисматини муштарак қилган.

Шунинг учун тарихан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга ғоят эҳтиёткорлик билан, ҳамма хусуятларни ҳисобга олган ҳолда бу халқлар келгусида ҳам биргаликда яшаши кераклигини ўйлаб ёндошиш керак бўлади.

— Бунга эътироз йўқ. Аммо қон тўкишлар давом этяпти. Қурбонлар эса тобора кўпаймоқда. Мана сўнгги воқеани олинг...

— Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ақл-идрок билан иш тутиш керак. Ўлкамиз халқлари тарихини тез-тез ёдга олиш лозим. Улар ҳамиша бир-бирларига кўмаклашиб келганлар, тинч-тотув яшаганлар, биродар бўлганлар Асрлар давомида улар ўртасидаги қариндошлик алоқалари мавжуд бўлиб келганлиги шундан далолат бермайдими, ахир?

Бизнинг бўлишадиган ҳеч нарсамиз йўқ. Шуниси айниқса одамга азоб беради-ки, амалда гап оға-инилар ўртасида муносабатларни аниқлаш тўғрисида кетяпти. Жаҳон халқлари тарихини ўрганар экансан, ҳеч қаерда бизникидек одамлар тақдири бир-бирига чирмаш бўлиб кетганлигини эслаб бўлмайди. Бу минтақада фақат бир миллат вакиллари яшайдиган жойни топиш жуда мушкул.

Кимдир буни ёдидан чиқарар экан ва «ўз» қадриятларини аниқлашга киришар экан, бу ҳолда бутун минтақа қонли, ўзаро қирғин уруш алангаси ловиллаб кетадиган жойга айланиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Фақат биргаликдаги куч-ғайратлар билан, елкама-елка туриб, шу ерда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларини иноқ онлага жамлаб умумий мушкул иқтисодий аҳволдан чиқиш, янги авлодларнинг яшашига шароит яратиш мумкин.

Бу биргина Ўрта Осиё минтақасига эмас, мамлакатимизнинг бошқа жойларига ҳам тааллуқлидир. Ҳамма жойда ва ҳамма нарсада миллий тотувлик даркор. Бунга эришмас эканмиз, миллий портлашга йўл қўйган бўламиз. Менингча, халқларнинг, айниқса бу халқлар зиёлиларининг бутун куч-ғайратлари умуммиллий жипслашувга эришишга қаратилиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг қайси томонини олиб кўрмайлик, бир қарашда жўн, эриш туюладиган хулосага келиш мумкин: халқлар ўртасидаги дўстликни, улар қардошлигини мустаҳкамлашдан, чинакамига тенг ҳуқуқлилигини, бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлишларини таъминлашдан б

Адабиёт ва санъат



⊙ БОЛАЛАРГА БАХШИДА ИЖОД. Таниқли ва севимли шоирлар Қуддус Муҳаммадий ҳамда Илёс Муслим ўқувчилари билан учрашувда.

Р. Альбеков сурати.

Тошкентликлар Берлин саҳнасида

⊙БУНДАН ўн йил муқаддам Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида немис халқ қўшиқлари ансамбли иш бошлаган эди. Ижодий жамоа ўша йили дастлабки концерт программаси билан Тошкентда очилган Германия Федератив Республикаси кўргазмасида фаол қатнашган эди.

Ўтган шу йиллар давомида ансамбль кўпгина қизиқарли томошаларни кўрсатишга муваффақ бўлди. Олий мусиқа мактаби тиллар кафедрасининг мудири доцент Л. Перецман бошчилигида тайёрланаётган концертларда эстрада қўшиқларига ҳам кенг ўрин берила бошланди. Бу эса ижрочиларнинг ҳар бир чиқишининг янада завқли ва жозибали бўлишини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Ансамблнинг навбатдаги концерти ҳам жуда қизиқарли чиқди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур томоша Берлин саҳнасида муваффақият билан кўрсатилди. Санъаткорларнинг бу сафари немис диёрининг Биттерфельд, Наумберг, Эрфурт каби шаҳарларида ҳам давом этди. Консерватория ижодий жамоаси бу чиқишлари билан ўз ижрочилик маҳорати янада ўсганлигини яна бир бор намойиш қилди.

Саодат ОДИЛОВА.

Ижодкор билан суҳбат



Мэлис АБЗАЛОВ: «МИЛЛИЙЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК»

⊙ Маълумки, шу йил апрель ойида Тошкентда Ўзбекистон кинематографчиларнинг VII съезди бўлиб ўтди. Унда жуда кўп масалалар муҳокама қилинди, ўзбек киноси олдида турган муаммолар ўртага ташланди, фикр алмашилди.

Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз съезд қатнашчиси, таниқли кинорежиссёр, «Ватан» ижодий уюшмаси раҳбари Мэлис Абзалов билан учрашиб қатор саволларга жавоб олди. Шунингдек, Иттифоқ ва чет эл киностудиялари билан ижодий ҳамкорлик қандай бораётганлиги, Тошкент халқаро кинофестивали ҳақида ҳам суҳбатлашди.

— Мэлис ака, Ўзбекистон кинематографчиларининг VII съездидан олган таассуротларингиз қандай! Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Ҳозирги даврда кинога санъат сифатидагина эмас, шу билан бирга иқтисодий фойда келтирадиган соҳа сифатида ҳам қаралмоқда. Шу сабабли яратилаётган ҳар бир киноасар ҳам талаб жиҳатидан, ҳам молиявий жиҳатдан ўзини оқлаши керак. Хабарингиз бор, киномиз хўжалик ҳисобига ўтмоқда. Бу деган сўз кўплаб томошабинларни ўзимизга жалб этишдир. Бунинг учун замонавий ва қизиқарли бадиий фильмлар яратишимиз керак. Шу туфайли Иттифоқимиздаги барча студиялар қатори бизнинг студиямиз ижодкорлари ҳам чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш йўлларини ахтармоқдалар.

Ўзбек киносида VI ва VII съездлар оралиғида яратилган асарларнинг аксарияти давр муаммоларига бағишланган. «Соҳибжамол қиз», «Бўрилар», «Тош санам», «Қандаҳорда тобланганлар», «Армон», «Оқ уй «кечалари» каби фильмлар жамоатчилик эътиборини тортиши, ижодий баҳсларга сабаб бўлиши керак эди. Аслида бундай бўлмади. Бироқ мени бошқа муаммо ташвишга солмоқда. Баъзилар кинода карвонбошилик қиламан деб миллатимизга ёт, беҳаё ва уятсиз картиналар яратиш билан овора бўлишса, бошқалар ҳаётни бўяб кўрсатишдан нарига ўтолмаяпти. Учинчи бир гуруҳ эса тижорат кетидан қувиб чет эл киноусталари билан ҳамкорлик қилишга тушиб кетишди. Энди ўзингиз ўйланг, ўзбек томошабини ҳақида ким қайғуради? Ахир шу халқнинг ҳам юксак маданияти ва маънавияти, қадрияти борку? Уни ким кўтаради? Ахир ҳақиқий миллий санъатни пул билан ўлчаш тўғримми? Умуман халқнинг маънавий бойлигини пул билан ҳисоблаш мумкинми?

— Ўзбек киносида бугунги кунда олиб борилаётган ишлар хусусида нима дея оласиз!

— Авваламбор барча киномухлисларига «Ўзбекфильм» киностудиясининг суратга олувчи ижодкорлари 5 гуруҳга бўлинганлигини маълум қилмоқчиман. Булар «Юлдуз» (А. Ҳўжаев раҳбарлигида), «Инсон» (Р. Ботиров раҳбарлигида) «Ватан» (менинг раҳбарлигимда), «Шарқ фильм» ширкат студияси, (Л. Файзиев раҳбарлигида) ва ёшлар учун аталган «5-студия»дир. Мен санаб ўтган мана шу беш гуруҳ «Ўзбекфильм» киностудиясининг бугунги кундаги ижодий жамоасини ташкил этади.

Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан баъзи тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан ўзбек тилида суратга олинадиган бизнинг «Ватан» студиямизда миллийликка, тил маданиятига, муомалада софликка алоҳида эътибор беряпмиз. Лекин бунда ҳам баъзи муаммолар мавжуд. Масалан, иқтисодчиларнинг ҳисоблашича, битта картина ўзини оқлаши учун, ўрта ҳисобда 17 миллион томошабин кўриши керак экан. Бу ҳисоб-китоб қанчалик тўғри эканлигини билмайман-у, лекин ўзбек киносида шунчалик томошабин кўрадиган асар яратиш мушкул масала. Ўзбек киносида айниқса молия масаласи муҳим ўрин тутади. Айтмоқчиманки, ўзбек миллий киносидан ажралиб қолмайлик, десак ҳукуматимизнинг ёрдами керак, акс ҳолда миллий кинони ривожлантириб бўлмайди.

— Бугунги кундаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Афсуски, муаммо ва камчиликлар талайгина. Ҳамма гап шундаки, ўзбек миллий киноси ночор аҳволда. Миллий киносанъатимизнинг асосчиси Наби Ғаниевдан кейин яратилган яна 5—6 фильмни миллий асарларимиз қаторида санаш мумкиндир. Лекин бошқалари ҳақида бундай дея олмаймиз.

Менга чет элларда мукофотлар олган фильмларни рўкач қилишларимумкин. Кечирасиз-у, лекин ўшалардан қай бирини халқ тан олди?

Ким нима деб ўйласа ўйлайверсин, биз биринчи навбатда ўз халқимиз учун мусулмон одоб-ахлоқига мос келадиган асарлар яратишимиз керак. Минг йиллар давомида таркиб топган маданиятимизни оёқости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Икки оғиз ўзбек ёзувчиларимиз ҳақида. Шу вақтгача улар бизни танқид қилиб келишди. Тўғри танқид. Инкор этмайман. Лекин уларга билдирадиган эътирозларим бор. Агар аввалларги сценарийлар ўзбек тилида қабул қилинмаган бўлса, ҳозир бизнинг «Ватан» студиямизда қабул қилинмоқда. Маъқул бўлса бас. Айтмоқчиманки, гина-кудуратларни унутиб биргалашиб ишлайлик. Ёзувчиларимизни кинога таклиф қилямиз-у, аммо уларнинг асарларини ким кино тилига кўчиради, ким сценарийсини ёзади, деб ташвишланаман. Чунки ўзбек киносида борйўғи 2—3 нафар сценарийчи бор, холос. Ваҳоланки худди шу гапни бундан салкам 50 йиллар муқаддам атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий айтиб кетган эди. Ўзбек киносида ўзбек адабиётини, урф-одатини, тарихини биладиган миллий кадрлар бўлмас экан, ўзбек миллий ғоноси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас деган эди, улуғ ёзувчимиз. Афсуски, унинг бу гапларига ўша вақтда ҳам, ундан кейин ҳам етарли эътибор берилгани йўқ.

Тўғри, студияда режиссёрлар, операторлар ва бошқа мутахассислар тўлиб-тошиб ётибди. Уларнинг сони шунчалик кўпайиб кетдики, ҳатто иш билан таъминлаш муаммо бўлмоқда. Лекин энг кераклиси — сценарийчилар йўқ. Бу камчиликни бартараф этмасдан туриб ўзбек миллий киносини ривожлантириб бўлмайди.

— Иттифоқ ва чет эл киностудиялари билан ижодий алоқаларингиз яхшими!

— Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиман. Бир гуруҳ киночиларимиз ҳамон сохта байналмилалчилик асосига қурилган воқеаларни экранлаштириш касалидан қутилганлари йўқ. Улар ҳамон ҳаётни бўяб кўрсатишга уринмоқдалар. Бу менга фил ҳақидаги қадимги ҳинд афсонасини эслатади.

Айтишларича, Ҳиндистонда баҳайбат филни оёғига занжир уриб боғлаб қўйишар экан. Фил эса қозиқ атрофида айланаверар, айланаверар экан. Занжири ейилиб узилиб кетса ҳам айланаверар экан. Биз ҳам гўё ўша филга ўхшаб, аввалги қозиғимиздан нари кета олмай ҳамон бир жойда айланиб юрибмиз.

Бу занжирдан қутилишнинг ягона йўли Иттифоқимиз киностудиялари билан ижодий ҳамкорлик қилишни янада яхшилашдир.

«Ўзбекфильм» қошидаги «Шарқфильм» студияси яқинда Ҳиндистоннинг «Иглфильмиз» киностудияси (режиссёри У. Мехра) билан янги 2 қисмли «Овчи» бадиий фильмини суратга олишни бошлади. Шу жумладан бизнинг «Ватан» студиямиз ҳам келгусида Иттифоқ ва чет эл студиялари билан ҳамкорликда ишлашни режалаштириб қўйган.

1992 йилда АҚШлик киночилар билан О. Сулаймонов сценарийси асосида «Қора гуллар», 1993 йилда австралияликлар билан Р. Муҳаммаджоновнинг «Бухоролик мистер кенгуру» фильмларини суратга олиш ниятидамиз.

— Май ойида Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро XI киноанжумани ўтказилиши керак эди. Лекин томошабинлар уни орзиқиб кутишганида кузга қолдирилди, деган гап тарқалди...

— Очиғини айтсам ушбу киноанжуман бу йил ўтказилмайди. У 1992 йилга қолдирилди. Сабаби, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иқтисодий камчиликларни ҳисобга олиб ушбу анжуманни бу йил ўтказмасликка қарор қилишди.

— Энди ўз шахсий ижодий режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Ҳозир қайси фильм устида ишлаяпсиз!

— Р. Муҳаммаджонов сценарийси бўйича (режиссёр Т. Юнусов) «Танга қишлоғи болалари» фильми устида ишлаяпмиз. Ўзимга келсак буюк ёзувчимиз А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида тўрт серияли телефильм ишлашга жиддий тайёргарлик кўряпман. Орзуим унда тарихимизни, маданиятимизни, ўзбекона турмуш тарзини тўлалигича акс эттириш.

Суҳбатдош Суҳбатлашди НОРХЎЖАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМИША ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Сопол буюмлар турмушимиздан мустаҳкам ўрин олган. Лаганлар, кўзалар, чойнак ва пиёлалар шулар жумласидандир. Ёрқин бўёқли, сирланиб, чиройли гул солинган ана шу буюмлар ҳар бир хонадонда дастурхонни тузатиш учун хизмат қилади, уй ичига ўзига хос, миллий рух бағишлаб, уни безайди.

Кўркам сопол идишлар айниқса дала ҳовлиларга мос — улар пишиқ, табиат билан уйғунлашиб кетади.

Яна тантанали кунларда пиширилади ган паловни чиройли гулдор сопол лагансиз тасаввур этиб бўладими? Унда майдалаб тўғралган норинни, шакаробларни, сабзавот ва меваларни, қовун ва тарвузларни дастурхонга тортса бўлади.

Сопол буюмларни сиз Навоий кўчасидаги савдо расталарида жойлашган «Узбекистон сополи» фирмали магазинидан сотиб олишингиз мумкин.

Иш вақти: соат 10.00 дан 19.00 гача, танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 7, 8, 11, 16-трамвайлар, 4, 8, 20-троллейбуслар, метронинг «Пахтакор» станцияси.

Тошкент хўжалик молларн савдо ташкилоти.



ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармасининг «Шуҳрат» умумшаҳар саноат моллари мактаб-магазини саноат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган гуруҳларга навбатдаги қабулни ўтказмоқда.

Унинчи синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида истиқомат қилиши қайд этилган 17—25 ёшдаги қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади. Курсларни тугатганларидан сўнг битирувчилар шаҳар савдо корхоналарига йўлланади. Ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларга имтиҳзли шартлар билан Тошкент совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига кириш имкони берилади.

Мактаб-магазинининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, 15-уй.

Транспорт: 6, 11, 12, 13-троллейбуслар, 50, 54, 70, 94, 78-автобуслар, метронинг «Чилонзор» станцияси.

Маълумотларни 75-58-77 телефони орқали олишингиз мумкин.

«Шуҳрат» мактаб-магазини.



ПЕПСИ-КОЛАНИ ҲАММА ЯХШИ КЎРАДИ

Совутилган мазали, кўпириб турувчи, хуштаъм ПЕПСИ-КОЛА ёзнинг иссиқ кунларида ташналикни яхши қондиради, тетиклантиради.

ПЕПСИ-КОЛА — БУТУН ДУНЁГА МАЪЛУМ ИЧИМЛИК!

Уни Қибрай ичимликлар комбинати ишлаб чиқаради.

Қибрай ичимликлар комбинати.



«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Назм дафтаридан

ҒАЗАЛЛАР

(«КИМ СОКИН ЯШАЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА» КИТОБИДАН)

⊙ Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти шоир Барот БОЙҚОБИЛОВнинг «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда» деган янги шеърий китобини чоп этяпти.

Мазкур тўпламга шоирнинг янги шеърлари, севги ва садоқатни куйловчи сонетлари ҳамда кейинги йилларда яратилган ғазалларн киритилган.

Қуйида ушбу ғазаллардан баъзиларн билан танишасиз.

* * *

Самарқанди азимдан
менга сафо келтурдинг,
Беоқибат давронда
аҳдга вафо келтурдинг.
Дилимни эзиб ҳасрат,
дардимни тутдим пинҳон,
Луқмони ҳаким каби
дардга даво келтурдинг.
Назмга шайдо кўнгил
назмдан эди зада,
Илҳом танбурин чалиб,
дилга наво келтурдинг.
Обираҳмат сувига
ташна эди лабларим,
Регистон кўзасида
обн шифо келтурдинг.
Тошкент неъмати билан
гарчи тўкин дастурхон,
Самарқанд насибаси —
«нони Осиё» келтурдинг.
Қадамингга жон садқа,
бош устига: меҳмоним,
Қавму қариндош ила
дўстдан садо келтурдинг.
Ғусса булути тарқаб,
гард қолмади руҳимда,
Ёшлик ўтган бўстондан
менга сафо келтурдинг.

* * *

Имтиҳзли одамга
жонинг сенинг парвона,
Имтиҳздан айрилса,
гарчи ғамхўр — бегона.
Кўрсанг ҳам кўрмагандек
йўлни четлаб ўтурсан,
Энди унинг борлиги,
афсун ёки афсона.
Милтираган шуълангнинг
ёнишига ишинг йўқ,
Гарчи кафтни куйдирар,
чўғдан керак нишона.
«Така бўлсин — сут берсин»
мақолин айлаб шнор,
Нафи теккан одамга
эгиласан мастона.
Узоқнинг донидан лек
яқинингг хўб сомони,
Эртага парвойинг йўқ,
бугун сенга ҳамхона.
Худкомликда дўстни ҳам
сотмоқдан қилмай ҳазар,
Ўз ишинг тўғрилайсан,
бошинг ўпиб остона.
Балки, сенда гуноҳ йўқ,
айблашдан мен йироқ,
Бундай замонсозликни
хат чизадур замона.

* * *

Эзгулик кўп қилдим вале кўрдим кам,
Бу карам туфайли чекмадим алам,
Инсонлик бурчини оқлайин дебон
Мурувват боғидан узмадим қадам.
Ўз ташвишим гарчи ортар бошимдан,
Ўзганинг дардига изладим малҳам.
Марҳамат қилиб соҳ эшитдим миннат,
Ришкор қилмишин тутаркан мубҳам.
Одам танимабман — таниб дунёни,
Ўзгарнб, турланнб тураркан одам.
Дунё телба экан, гардун эса дун,
Ҳақгўй тилни кесиб этаркан мулзам.
Гарчи яхшилик деб кечдим ўзимдан,
Элимдан ўзга бир топмадим ҳамдам.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

* * *

Замонангга фарзанд ҳамда ёндош бўл,
Меҳрли элларга қалбдан қондош бўл.
Чўчима йўлингда учраса ғовлар,
Тилсимларга калит, дилга
жондош бўл.

* * *

Инсонга умиддир бу қорли тоғлар,
Унга қувонч берар чаманзор-боғлар.
Фақат ўз қадрини билмаган кимса.
Умидсизлик билан «шартнома»
боғлар...

Рихсивой СОБИРОВ, пенсионер.



⊙ «Янграсин қўшиқ, янграсин гулёр!».

Т. Каримов сурат лавҳаси.

Китобхон ўйлари

«Нотаниш орол»

Мен Уткир Ҳошимовнинг ҳар бир китобини орзиқиб кутаман. Яқинда «Еш гвардия» нашриётида у нишинниг «Нотаниш орол» номли китоби нашрдан чиқди. У турли жанрларни ўз ичига олган. Лекин ҳар бир бўлимни ўқувчи қизиқиб ўқийди. Бири жиддий ўйга толдирса, бошқаси қотиб-қотиб кулишга мажбур этади. Учинчиси эса узоқ бир мамлакатга сайҳатга етаклайди.

Шу ўринда «Бир-биримизни асрайлик» сарлавҳали мақола устида озгина тўхталишни лозим топдим. Мақола асосан оқибат, ўзаро ҳурмат ҳақида. Ёзувчи баъзи ижодкорлар арзимаган сабаблар билан бир-бирларини беҳурмат қилишларидан, мажлислардаги гаплар майдалашиб кетаётганидан куюнади. Устозлар ижодига доим ҳурмат билан қарашимиз зарурлигини таъкидлайди. Чунки бир халқ адабиётини бир кишн яратмайди. «Биродарлар жиндай бағри кенг бўлайлик, ахир!» деб ҳамкасбларига хитоб қилади. Бу мақола матбуотда эълон қилингач, у ҳақда кўп яхши фикрлар айтилди. Дарҳақиқат, бу ҳам ўз вақтида айтилган дард эди. Ахир инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат йўқолиб боравер-са, бир-биримиз билан даҳанаки жангимиз давом этаверса эртага ҳолимиз не кечади? Ўртадан файз, ўзаро самимият кўтарилса, халқ нима дейди? Адиб барча ҳамкасбларини инсофга, гина-кудуратни унутишга чақиради.

Ҳа, ёзувчи кўнглига тугиб юрган гапларни дард билан айтади. Балки шунинг учундир ўқувчи мақолани хотиржам ўқий олмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, (кўпчиликка маълум гаплар бўлсада, барибир яна бир бор такрорлашни истайман) Уткир ака хоҳ ҳикоя, хоҳ роман, хоҳ очерк — нимани ёзмасин ўзбекона руҳ шундоқ сезилиб туради. Китобдан ўрин олган «Ўйлар» бўлимини ўқийсизми, «Сурбетлар» ёки «Ҳангомалар»ни мутолаа қиласизми шу фикрга яна бир бор амин бўласиз. Бу ҳақда Уткир ака жуда аниқ қилиб айтган: «Баъзилар ёзувчининг миллати бўлмайди, дейишади! Бекор гап! Умуминсонийлик миллий заминда етилади. Миллийлик миллатчилик деган гап эмас!».

«Ҳангомалар» бўлими эса кулгига бой. Шу билан бирга у тарихий ҳамдир. Ундаги ҳангомалар бўлиб ўтган воқеалар асосида ёзилган. Сафарларда Уткир ака билан бирга бўлган таниқли олим ва ёзувчиларнинг қизиқарли саргузаштлари ҳикоя қилинади. Хуллас, Уткир Ҳошимовнинг «Нотаниш орол» китобини қўлига олган ўқувчи адиб ижодининг бирга бир қиррасн «ялт» этиб кўринганини ҳис этади. Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, яхшисн бу китобни қўлга олингда ўзингиз ўқиб чиқа қолинг.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ

КЕКСА ЮРАК МАВЖЛАРИ

ТЎРТЛИКЛАР

Тупроқни эъзозлаб, олтин оларсан,
Эзгу ишларинг-ла қалбда қоларсан.
Она-Ватанингдан жудо бўлсанг гар,
Юлинган гул янглиғ хазон бўларсан.

* * *

Садоқат яшаркан токи ҳар дилда,
Эртанги кунингга умид тўғилар.
Саховат, оқибат, меҳр бор элда,
Мустаҳкам дўстликка асос қўйилар...



⊙ «СОЙ БУЙЛАРИ СУЛИМ-СУЛИМ». Р. Альбеков сурат лавҳаси.

Ҳодиса

ТОНГ САҲАРДАГИ ЎҚ ОВОЗЛАРИ

«16 май соат 7 дан 20 минут ўтганда янги ТошМИнинг қабулхонасига ўқ жароҳати билан Тошкент районида истиқомат қилувчи уч жиҳи келтирилганн, улардан бири — 5-таксомотор паркининг директори Ш. Дўстмуҳамедов ҳалок бўлгани ҳақида Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг навбатчи қисмига хабар келди».

[Оператив маълумотлардан]

Ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Тонг саҳарда Тошкент районидаги Киров номли қишлоқ Советининг аҳолисидан бири ўз уйи яқинида ўзини одатдан ташқари тутаётган бир гуруҳ ёшларни кўриб қолди. У кузатувларни ҳақида қўшнисига ҳикоя қилиб берди ва улар биргаликда кўчага чиқишди. Аммо йигитларнинг бу ерда нима қилишаётганини аниқлаб бўлмади. Ҳатто қўлга дуч келган темир таёқчани олиб ўзларини ҳимоя қилишга тўғри келди. Дастлабки ўқ овози шу ерда янгради... Қўшнилардан бири ерга йиқилди... Шовқин-суронга югуриб чиққан унинг рафиқаси ҳам ўқка дуч келди...

Жиноятчилар қишлоқда яшовчилардан бирининг «Волга» машинасини олиб қочиб, шошилинч равишда ғойиб бўлишди (машинанн кейинчалик автомобиль халқа йўлида ёқиб юборилган ҳолда топишди). Ҳужум қилган учовлон номери йўқ таксида кетибди.

Воқеа содир бўлган ерга етиб келган оператив-тергов гуруҳи ўша ердан ўқларни, қўлқопларни ва жиноятнинг бошқа ашёвий далиллари ва изларини топди. Бошқармада хавфли жиноятни очиш учун оператив-тергов гуруҳи ташкил этилди, унга прокуратура ходимлари ҳам киришди. Жиноятчиларни аниқлаш бўйича умумий раҳбарлик бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Н. Волков зиммасига юкланди.

Шу кундан эътиборан гуруҳ ходимлари тиним нима эканлигини билишгани йўқ. Барча тахминлар кун сайин синчиклаб таҳлил қилинарди. 25—26 ёшлардаги ўзбек йигити бошқарган номери йўқ таксини излашга алоҳида эътибор берилди...

Шаҳарда эса айни вақтда бир-бирига қарама-қарши турли миш-мишлар тарқала бошлади. Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ходимлари олдида ҳам қатор мураккаб вазифалар турарди. Жумладан, улар бу оддий бир жиноятми ёки унинг ортида бошқа бирор мақсад яширинганми, ана шуни аниқлаш вазифаси турарди. Бир нарса аён эди: бу ёвуз жиноят гуруҳининг ҳисобидаги биринчи жиноят эмас, улар ҳар куни, ҳар соатда янги жиноятни содир этишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам жиноятчиларни аниқлаш ишлари кунутун узлуксиз олиб борилди. Жабрланганларнинг истиқомат жойларида, уларнинг ишхоналарида ўнлаб кишиларни сўроқ қилишга тўғри келди. Кунлар сезилмай ўтарди, айримларнинг хаёлига жиноятни очиш учун ҳеч қандай умид йўқ, деган фикр келган бўлиши ҳам мумкин. Аммо орадан кўп ўтмай, жиноят калавасининг учи топилди. Натижада уюшган хавфли гуруҳ ҳаракат қилаётганига, гуруҳнинг аъзолари турли жойларда яшашига яна бир бор ишонч ҳосил қилинди. Жиноят «тугуни» аста-секин ечила бошланди. Ташқи кўриниши бўйича гумон қилинганлар текширилди, уларнинг суратлари жиноятнинг гувоҳларига кўрсатилди. Гумон қилинганларнинг айримлари ўша машъум куннинг саҳарида жиноят содир бўлган ерда бўлган шахсларга ўхшаб кетардн.

Вақтни бой бермай уларни қўлга олишга қарор қилинди. Қўлга олиш учун тўрт гуруҳ ташкил этилиб, улар барча зарур воситалар билан таъминланди.

— Энг муҳими, қуролни ишлатмасликка ҳаракат қилинг,— деб тайинлади кўрсатма бериш вақтида Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А. Алматов. — Аммо жиноятчиларнинг қуролланганлиги ёдингизда бўлсин. Уларнинг ҳаммасини бир вақтда, 30 майга ўтар кечаси қўлга олиш керак...

Тошкент кўчаларида йўловчилар кўринмайди. Оператив машиналар режага кўра «Марказ—13»га, Чорсуга ва ирригация институти районига тарқалди. Бир неча соат вақт ўтмай, гуруҳ раҳбарлари рация орқали: «Операция муваффақиятли ўтди, қурбонлар йўқ, қурол ишлатилмади...» деб «бошқарувчи»га ахборот беришди.

Жиноятни содир этган гуруҳ раҳбарларн кимлар экан, деган саволга А. Н. Волков шундай жавоб берди:

— Ҳозирча аниқ бир нарсани айтолмайман. Қўлга олинганлар асосан ёш йигитлар: иккиси 1969 йилда туғилган, қолганлари 1958 ва 1960 йилларда туғилган. Ҳаммаси Тошкентда яшашади, ишлашмайди. Уларнинг наркотикларни истеъмол қилишга мойил эканликлари аниқланди. Қўлга олинганлардан бирининг 5-такси паркига маълум даражада алоқаси бор. Тинтув вақтида улардан наркотик моддалар, пичоқлар, жиноий йўл билан орттирилган видеоаппаратуралар, пуллар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди.

Дўстмуҳамедовлар оиласига ҳужум қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш мақсадида амалга оширилгани кўринади, яъни рэкетчиларнинг муваффақиятсиз уринишларидан бири бўлса керак.

— Хулоса қилиб шуни таъкидлаймоқчиманки, — деди Алексей Николаевич, — қўлга олинганларнинг барча яқин қариндошлари йигитчаларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаслигини, уларнинг ёнида қуроли, ҳамиша пули бўлганини яхши билишган. Шунга қарамай, ҳеч ким ўзига ўзи: буларнинг ҳаммасини улар қаердан олишаяпти, бундай ҳаёт нималарга олиб келиши мумкин, деб савол бермаган.

Операцияга якун ясар экан Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция подполковниги З. А. Алматов, усталик билан ўтказилган оператив-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари барча шубҳа қилинганларни қўлга олишга ёрдам берди, деб таъкидлади.

Қўлга олинганлар билан ишлаш вақтида улар содир этган деб шубҳа қилинган яна бир нечта босқинчилик ҳужумларни очилди, ўқ отиш қуролларн, ашёвий далиллар мусодара қилинди. Буларнинг ҳаммаси А. Х. Акромов, А. Ғ. Ғафуржонов, Ш. Я. Мўминов, Э. Д. Сарибоев, Х. Олимхўжаев, К. А. Саримсоқов, Р. М. Пирмуҳамедов, Р. Арслонов, Х. Н. Аёзов, А. М. Даминов, А. Т. Содиқов, С. И. Икромов, Ғ. С. Улмасов ва бошқа ходимларнинг ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлганлигининг натижасидир.

В. ТИХОМОЛОВ,
Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси навбатчи қисмининг бошлиғи, милиция майори.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
24-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990 — 1991 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:
Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ
ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ИИЛ.
МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати —8 ой.
Рус тилида ўқиш учун: «ИНТУРИСТ» ОШПАЗИ (миллий ва чет эл таомларини тайёрлаш ўргатилади), «ОФИЦИАНТ» (чет тили ўргатилади).
Ўқиш муддати — 2 йил.
8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:
Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ. Ўқиш муддати — 3 йил.
Рус тилида ўқиш учун ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ. Ўқиш муддати — 3 йил.
24-ўрта ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, СССР чет эл туризми бўйича Давлат комитети, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат бирлашмаси ва Чкалов номли авиация бирлашмасининг умумий овқатланиш ва савдо корхоналарида, кафе, ресторан ва ошхоналарда ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.
БИЛИМ ЮРТИГА 8-11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар белгул овқат, кийим-бош билан, ўрта маълумот билан, ўқишга кирган ўқувчилар эса 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.
Уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.
Билим юртига ўрта маълумот билан кириб, ўқишни битирганлар ихтисоси бўйича диплом, 8-синф ҳажмида маълумот билан кириб ўқишни битирганлар эса эгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.
Билим юртини «аъло» баҳо билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзларга эга бўладилар.
Билим юртида бадиий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), иш жойидан ёки мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.
Билим юрти қўнимгоҳи: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод маҳалласи, 2-квартал 28-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳунар-техника билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: радиотелевизион аппаратларни ремонт қилувчи механик, якка тартибда моделли оёқ кийимларни тикувчи косиб, машинистка-секретарь, устки кўйлакларни тикувчи чевар, бюджет ташкилотлари саноатида бухгалтерлик ҳисоби бўйича бухгалтер, тўқувчи.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ОЙ.
Ўқишга ёши 16 дан 45 гача бўлган инвалидлар, шунингдек инвалидларнинг ёши 16 дан 20 гача бўлган фарзандлари, ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.
Аризаларга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилиш гувоҳномаси, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка 086/У форма (инвалидлар ВТЭК справкасига меҳнат тавсияномасини илова қиладилар), олти дона сурат 3х4 см.
ҲУЖЖАТЛАР 30 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Дарсларни ўзлаштирувчи ўқувчиларга 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.
Ўқиш муддати иш стажига киради.
Ўқувчилар ётоқхона билан таъмин этилмайди.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, Пеньков боши берк кўчаси, 107-«а» уй (2, 7, 14, 12-троллейбуслар, 13, 51-автобусларнинг «Ўзбекистон» бекати ёки метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси, «Киночилар уйи» ёнида).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмасига:
тунукасозлар, штампаловчилар, темир-босқон ускуналарини созловчи-чилангарлари, таъмирлаш ишлари чилангарлари, чилангар-асбобсозлар, фрезерчилар, шунингдек, ҳеч қандай мутахассисликка эга бўлмаган ишчилар, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандислари.
Иш ҳақи тўлаш системаси мутахассислигидан қатъи назар ишбай мукофотли ва вақтбай мукофотли.
Маълумотлар олиш учун — С. Раҳимов район, аҳолини ишга жойлаштириш бўлими, Қорасарой кўчаси, 270-уйга мурожаат қилинсин.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 ВА 2 ИЮЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Қодиржон МИРАШУРОВ
Хушовоз хонанда Абдурауф ОЛИМОВ.
Сўз устаси, «Қизиқчи-90» кўнгилнинг ғолиби
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Киров номли маданият уйи қошида тўй маросимларини ўтказиш учун

«БАХТ» АНСАМБЛИ ТУЗИЛДИ

«Бахт» ансамбли жозибали ва мазмунли программаси билан ёш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини, турли байрам ва маросимларни шунингдек, корхона ва ташкилотлар байрамларини ўтказиш учун ҳам хизмат қилади. Корхона ва ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан ансамблни таклиф қилишлари мумкин.

Мурожаат учун адрес: М. Турғунбоева кўчаси 40-уй, Киров номли маданият уйи,
Телефонлар: 48-78-53, 34-34-38.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг
ЖУМҲУРИЯТ ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ АССОРТИМЕНТИ ВА МОДАЛАРИ МАРКАЗИ

Асосий корхона ва филиалининг (Навоий кўчаси, 9-уй) тикувчилик цехларида ишлаш учун тикувчиларни тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Шаҳарда пропискада турувчи ҳамда тикувчилик кўникмаларига эга бўлган ёш жувонлар ва қизлар таклиф қилинади. Курс ўқувчиларига ойига 65 сўм миқдорида стипендия тўланади. Курсларни битирганларга тикувчи малакаси ва разряд берилади. Машғулотлар ва ишга жойлашиш корхонада ва унинг бўлимларида ўтказилади.
Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй (4, 7, 8, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 13, 16-троллейбусларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 56-33-06.

ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг илмий-техника ахборoти ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот институти (ЎзНИИНТИ) ва Бутуниттифоқ рангли металлургия илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон жумҳурият идораси ва СССР илмий ва мухандислик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият идорасининг Тошкент вилоят идораси

юкларни ортиш, туширш, транспортда ташиш ва омборларга жойлаштиришда қўл меҳнати даражаси анча юқори бўлган саноат бирлашмалари, транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналар вакилларини

27—29 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«Средазнипроцветмет»нинг мажлислар залида бўлиб ўтадиган «Юк ортиш-туширш, транспорт ва омбор ишларини механизациялаштириш, юкларни пакетлаш ва контейнерлаш» мавзуидаги

ФАН-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ВА ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИДА
ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмарка қатнашчиларига омбор ускуналари, юк ортиш-туширш мосламалари, тара қадоқлаш ва ҳоказолар бўйича Москва, Ленинград, Киев, Вильнюс ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарнинг ишланмалари ҳавола этилади.

Айни вақтнинг ўзида Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари сотиш учун ўзларининг самарали илмий-техника ишланмаларини тақдим этишлари, ярмарканинг тижорат маркази эса ютуқларни харид қилиш ва жорий этиш юзасидан шартнома тузишда ёрдам беради, зарур ахборот материаллари ва техникавий ҳужжатлар билан таъминлайди.

Ярмарка қатнашчиларининг маблағлари ҳисобига ўзининг ўзи маблағ билан таъминлаш принципларида ташкил этилади. Қатнашишни хоҳлаганлар 25 июндан кечикмаган ҳолда 150 (бир юз эллик) сўм пулни ЎзНИИНТИнинг Тошкент шаҳар турар жой социал банкининг Октябрь район бўлимидаги номери 000609038, банк коди 734138.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй, телефонлар: 39-12-51, 39-48-71. илмий-техника таргибот бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
26 ИЮНДАН 2 ИЮЛГАЧА
ФАҚАТ 7 КУН

Халқ табиби, «Айес» табобат уюшмасининг Президенти СССР экстрасенслар уюшмасининг вице-президенти. ЭКСТРАСЕНС КАРЕН ЕМЕНДЖЯННИНГ ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИ

Дастурда — коинот бооқувватларини ишга солинган ҳолда даволаш-соғломлаштириш биосеансларн, организмнинг биоэнергетик мусаффоланиши.

Ошқозон-ичак йўли, юрак-қон томир хасталиклари, моддалар алмашинувининг бузилиши, остехандроз, бел оғриқ, буйраги ва ўт пуфагида тош йиғилиб қолган беморлар, нафас йўллари касалликлари билан оғриган беморларда самарали даволаниш аломатлари кузатилади.

Шифо самараси намоён бўлиши учун 7 та сеанс қабул қилиниши керак.

Бошқа хасталиклар билан оғриган беморлар қабул қилинмайди.

СЕАНСЛАР 30 МИНУТ ДАВОМ ЭТАДИ ВА ҚУЙИДАГИ ВАҚТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

соат 15.00 дан — 15.30 гача,
соат 16.00 дан — 16.30 гача,
соат 17.00 дан — 17.30 гача,
соат 18.00 дан — 18.30 гача,
соат 19.00 дан — 19.30 гача,
соат 20.00 дан — 20.30 гача,
соат 21.00 дан — 21.30 гача,

Қатновчилар биоқувват билан тўйинтириб, фойдаланиш мақсадида кремлар, шарбатлар, сувлар ва ҳоказоларни олиб келишлари мумкин.

Эмизикли гўдаклар билан сеансларга кириш мумкин эмас.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

44-29-04, 44-35-91 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!
30 ИЮНЬ СОАТ 10 ДАН 13.00 ГАЧА

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари қуйидаги алоқа бўлимларида почта, электр алоқаси ва «Союзпечать» хизматларининг кўрсатилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗАДИЛАР:

114-алоқа бўлими—Юнусобод даҳаси, 18-мавзе, 31-уй.
2-алоқа бўлими — Сағбон кўчаси, 9-уй.
14-алоқа бўлими — Авиасозлар шаҳарчаси,
81-алоқа бўлими — Науза-Қозиработ кўчаси, 9-уй.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Метронинг «Чкалов» ва «Ташсельмаш» станцияларида экологик муҳитнинг кескин даражада ёмонлашиб кетганлиги станция хизматчилари ва электр поездларининг машинистларида бир қатор ўткир касалликларни келтириб чиқарганлиги туфайли локомотив бригадаларининг етишмаслиги ўткир муаммо бўлиб қолди.

Йўналишлардаги электр поездлари ҳаракатида узилишлар содир бўлишининг олдини олиш учун

20 ИЮНДАН БОШЛАБ

станциялардаги экологик муҳитни яхшилаш мақсадида Тошкент метрополитенининг иш вақти

ВАҚТИНЧА

соат эрталабки 6 дан 24 гача тартибда ташкил этилди.
34-82-99, 34-82-89 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар йўловчи транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!
Азиз опа-сингиллар! Агар китоб, журналларнинг қандай тайёрланишини ўрганиш истагида бўлсангиз
Сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётига
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
Бу ерда Сизлар муқовасозлик касбининг қизиқарли сир-асрорларини эгаллаб олишингиз мумкин.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

Ленин районидаги 253-ўрта мактабнинг информатика чуқур ўрганиладиган 10-синфига ҳужжатлар
ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА
Ўқиш рус тилида олиб борилади.
Ҳужжатлар шанба кунлари соат 14 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Мактаб маскани: Тошкент шаҳри, 3-Қўйлиқ даҳаси (37, 55, 45-автобуслар ва 26—трамвайнинг «Савдо маркази» бекати.

Ўзбекистон киновидеоҳаваскорлари жамияти

Тошкент шаҳрининг марказий ноҳияларига жойлашган телефонли, 3-5 хонадан иборат кооператив ёки хусусий уйни ёхуд шахсий ҳовлини 1-2 йил муддат билан
ИЖАРАГА ОЛАДИ
Келишувга мувофиқ ҳақ тўланади.
Қуйидаги телефонларга мурожаат қилинсин: 56-77-57, (17.00 гача) ва 32-70-21 (20.00 дан 24.00 гача).

Халқлар дўстлиги нишонли Тошкент халқ хўжалиги институтининг 60 йиллигига бағишланган **«Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида»** мавзусида битирганларнинг
УЧРАШУВ АНЖУМАНИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Ушбу тадбир 1990 йил, 30 июнь, соат 10.00 да «Кино уйи»да бўлади.
Манзилгоҳ: Ўзбекистон кўчаси, 98-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОҚЎМИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

ўқув-методик хонасига бош методист ва методист лаборантга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий техник ва педагогика маълумотига эга бўлган ҳамда педагогик стажи 5 йилдан кам бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар топшириш муддати — 18 июлгача.

Бошқарма манзили: 700047, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 25-уй.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар китоб магазинларига топширилган макулатурага айирбошланадиган талонлар бўйича сотиладиган

ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР КЕЛИБ ТУШДИ:

— А. Дюма. ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО, 1 том.

— Ф. КУПЕР. ЖОСУС.

Талон эгаларидан китобларни ўз вақтида сотиб олишингизни сўраймиз.

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдо идораси.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактаб томонидан **Мирзаахмедов Баҳодир Маҳкамович** номига берилган 611445 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь район Усмон Юсупов номидаги 132-ўрта мактаб томонидан **Султонова Матлюба Зокировна** номига берилган Д-281016 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 40-ўрта махсус билим юрти томонидан **Зокиров Рустам Тухтамуродович** номига берилган Д-356370 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 241-ўрта мактаб томонидан **Садиллаев Хикматила Асатуллаевич** номига берилган 300679 номерли йўқолган

10-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/VI да **Риголетто**, 27/VI да **Жизель**, 28/VI да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера, 28/VI да **Жар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Лаҳма куёв** (премьера), 28/VI да **Парвона**.

КИНО

25 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ҚАСОС ИШТИЁҚИ» (катта зал, 18.30, 21.00); «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (кичик зал, 17, 19.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИДОЙИ» (жуфт соатларда ва 20.00 да).
Чайка — «ЯНА БИР АЛОҚА» (18.30, 21.00).
Восток — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (18.30, 21.00).
Фестиваль (ёзги) — «ВИРОНБИР ДАЛИЛСИЗ» (21.00); «ДЎЗАХ АЗОВИДА» (21.30).
26, 27, 28 ИЮЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ҚАСОС ИШТИЁҚИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИДОЙИ» (жуфт соатларда ва 20.00 да).
Чайка — «ЯНА БИР АЛОҚА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Восток — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Фестиваль (ёзги) — «ВИРОНБИР ДАЛИЛСИЗ» (21.00); «ДЎЗАХ АЗОВИДА» (21.30).

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлаш корхонасининг маъмурияти фирқа ва касаба уюшмалари жамоаси Собир Раҳимов ноҳия тайёрлов шохобчасининг мудири Х. Хамитовга умр йўлдоши
Машкура ХАМИТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент машинасозлик институти жамоаси Машинасозлик саноатининг иқтисоди ва уни ташкил қилиш кафедрасининг доценти М. А. Мирҳоновга отаси
Акмал Мирхонович МИРХОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати, партия комитети ва касаба уюшмаси, 1 ва 2-жарроҳлик стоматологияси жамоаси, шу кафедра ассистенти Э. С. Бўрибоевага турмуш ўртоғи
Абдужалил БЎРИБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.
Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 03325.
140.390 нусхада чоп этилди. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.